

# КЎРСАТИЛГАН ХИЗМАТ БЎЙИЧА

“28” 02 2022 йил ШАРТНОМА №232/22

Термиз шаҳри

“HUDUDGAZ SURXONDARYO” газ таъминоти филиали низоми асосида фаолият юритувчи бош директори М.А.Мансуров (кейинги ўринда “Буюртмачи” деб номланади. бир томондан ва иккинчи томондан “AZIA EKO-STROY” МЧЖНизоми асосида фаолият юритувчи директори И.Н.Тошпулатов кейинги ўринда “Бажарувчи” деб номланувчи ушбу шартномани қуидагича туздилар.

## 1. Шартнома предмети

1.1. “Бажарувчи” Etender.uzex.uz портали орқали берилган №32168лот рақамли шартнома расмийлаштирилган санадан бошлаб “Буюртмачи” нинг маъсул мутахассиси томонидан белгилаб берилган замонавий газ хисоблаш ускуналарини Сурхондарёвилояти ахоли хонадонларига комплект ўрнатиш ишларини бажаради.

1.2. “Бажарувчи” “Буюртмачи” нинг ва унинг вакилининг топшириқ ҳамда буйруқлари ижросини сўзсиз таъминлайди.

1.3. “Бажарувчи” бажарилиши лозим бўлган ишнинг лозим даражада бажаришга тўсқинлик қилувчи омиллар, юзага келиши мумкин бўлган авария ҳолатлари, “Бажарувчи” нинг иш жараёнига хавф солувчи вазиятлар хусусида “Буюртмачи”ни ва унинг вакилини зудлик билан хабардор қиласи ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради.

1.4. Мазкур шартнома шартлари “Бажарувчи” томонидан ҳар ойда(кунда, хафтада) бажарган ишларни «Буюртмачи»га ёки унинг қонуний вакилига ёзма ва/ёки электрон шаклда ва бажарилган ишлар ҳақида имзоланган далолатнома (бажарилган иш (хизмат) далолатномаси) топширилган тақдирда ҳамда ушбу замонавий газ хисоблаш ускуналарини интегратция қилиб “АСКУГ” дастурига киритилгандан сўнг бажарилган ҳисобланади.

1.5. “Буюртмачи” эса бу ишларни “АСКУГ” дастурига киритилгандигига қараб қабул қилиб олиш ва унга ўрнатилган тартибда “Бажарувчи” га хизмат ҳақини ўз вақтида ва тўлиқ микдорда тўлашни ўз зиммасига олади.

1.6. “Бажарувчи” барча меъёрий хужжатларини тизимли ўрганиб боради ва уларга қатъий равишда риоя қилишни таъминлайди.

1.7. Иш вақти тарафлар келишувига кўра қатъий белгиланмаган.

1.8. “Бажарувчи” томонидан “Буюртмачи” нинг ишларини бажарганлиги бўйича Ф-3 шаклида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома аниқ хисоб китобларга таянган холда объектда сарф бўлган материаллар бўйича аниқ кўрсаткичларда объектнинг жойига борган холда улчов ишларини амалга ошириб филиалнинг “Курилиш ва таъмирлаш” бўлимига тақдим этиб боради ва ушбу ўрнатилган газ сарфини хисоблаш ускуналарини ўрнатишда сарф бўлган

материаллар далолатномада кўрсатиб ўтилганига мос бўлишига бажарувчи жавобгар хисобланади.

1.9. Ишлар натижаларидан қониқмаган ва ишлар сифатсиз, белгиланган меъёр талабларига жавоб бермайдиган қилиб бажарилганда “Буюртмачи” далолатномани олган вақтдан бошлаб, 5 кун ичидагасослантирилган ёзма равища рад этиши мумкин.

1.10. “Буюртмачи”нинг рад этган хужжати асосли деб топилган тақдирда, “Бажарувчи” йўл қўйган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиб, икки томонлама далолатнома билан расмийлаштирилади. “Буюртмачи” ушбу далолатнома тузилган кундан бошлаб 5 (банк иш) кун муддат ичидагасослантирилган ёзма равища.

1.11. “Бажарувчи” нинг техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими томонидан пайвандчи ва чилангарларини доимий равища рўйхатдан ва йўриқномадан ўтказишни таъминлайди.

## **2. Хизмат хақи ва хисоб китоб қилиш тартиби**

2.1. Бажарувчи жавобгарлигига тақдим этилган Ф-3 шаклидаги далолатномаларни “Буюртмачи” вакили, яъни “Қурилиш ва таъмирлаш” бўлими ушбу далолатномани “Бухгалтерия ҳисоби бўлими”га тақдим этиб боради.

2.2. Кўрсатилган хизматлар бўйича далолатномалар тўлиқ расмийлаштирилгандан сўнг “Бажарувчи”га кўрсатилган хизматлар учун хақ банк ҳисоб рақамига ўтказиб берилади агарда ушбу хизмат турларини бажариш учун бажарувчи буюртмачининг материалларидан фойдаланган ҳолда амалга ошира хисоб китоблар вақтида буюртмачи томонидан тақдим этилган материаллар нархи бажарилган ишга нисбатан тўлаб бериладиган пул маблағларидан чегириб қолинади.

2.3. “Буюртмачи” “Бажарувчи”га ҳар бир ўрнатилган замонавий газ ҳисоблаш ускунаси (регулятор)комплект (химоя қутти) ўрнатиш шарти билан турар жойлар ҚҚС билан **120 909 (Бир юз йигирма минг тўққиз юз тўққиз) сўм**, тўлайди, мазкур шартнома бўйича бажарувчи томонидан **Сурхондарёвилоятида 10000 дона** электрирон газ сарфини ҳисоблаш ускунасини ўрнатиш ишларини, танлов савдоси (тендир) натижасида аниқланган ва тендир комиссиясининг 2022 йил «28» февралдаги қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати **1 208 090 000.00 сўм (бир миллиард икки юз саккиз миллион)сўм**

2.4. “Буюртмачи” томонидан “Бажарувчи” нинг кўрсатилган хизматлар бўйича ҳақи кейинги ойнинг 5-санасига қадар банк ҳисоб рақамига тўлов топшириқномаси асосида тўлаб берилади.

## **3. Тарафларнинг мажбуриятлари**

3.1. Ушбу шартномада курсатилган томонларнинг мажбуриятлари бажарилмаган ҳолда жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунларига асосан амалга оширилади.

3.2. Ҳисоблагичнинг ўрнатиш вақтида электростатик зарядлардан химояланиш чораларини кўриш.

3.4. Ҳисоблагични шундай ўрнатилиши керакки унинг ўлчов меҳанизмидаги кўрсаткичлар бевосита осон ва кулай ўқиш имкониятини таъминлаш.

3.5. Ҳисоблагич индикатори деворнинг фасад қисмига тегиб турмаслигини таъминлаш, Ҳисоблагич фақат вертикал ҳолатда ўрнатилишини таъминлаш.

3.6. Табий газ қувурларини улаш ва пайвандлаш ишлари тугалланмагунча ҳисоблагични ишлатиш (ўрнатиш) қатъяян тақиқланади.

3.7. Ҳисоблагичга газ қувурига механик куч таъсиrlари (эгилиш, сиқилиш, чузилиш ва ҳқ) кўрсатилмаслиги керак.

3.8. Ҳисоблагични ўрнатишда ҳисоблагичнинг кириш ва чиқиши қувурлари орасида жойлашган кўрсаткич, газ қувуридаги газ оқимининг юналиши билан мос бўлишини таъминлаш.

3.9. Ҳисоблагични хонадонда ўрнатиш вақтида ҳисоблагичга механик шкастланишлар етказилмайдиган жойларда ўрнатилишини таъминлаш.

3.10. Ҳисоблагични ўрнатиш ва фойдаланишдан олдин ҳисоблагич паспорти билан танишиб чиқиши.

3.11. “Пудратчи” ўзи ёки субпудратчилар томонидан объектни газ тармоқларига тайёр ҳолда улаш ишларида қўлланиладиган ўз хисобидан олинган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга, стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёхуд бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлаш;

3.12. “Пудратчи” ушбу шартнома мувофиқ ҳизмат кўрсатишда техника хавфизлиги талабларига риоя қилиши.

3.13. “Пудратчи” ушбу шартномада ёки норматив-хуқуқий хужжатларда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради.

3.14. “Пудратчи” томонидан объект топширилгандан сўнг 6 ойлик кафолат муддат ичida бажарилган ишлар бўйича аниқланган нуқсон ва камчиликларни ўз хисобидан бартараф этиш;

3.15. Бажарувчи объектда ўрнатилган электрон газ сарфини хисоблаш ускуналарига сарф бўлган материалларни аниқ ўлчов ишлари орқали аниқлаб Ф-3 шаклидаги далолатнома расмийлаштириади ва Буюртмачига тақдим этиб боради шунингдек ушбу объектда сарф бўлган қурилиш материаллари учун тузилган далолатноманинг объектда ўрнатиш учун сарф бўлган материаллар билан мос келишининг туғрилигига жавобгар хисобланади.

#### 4. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. Тарафларнинг ҳар бири иқтисодий фаолият билан боғлиқ расмийлаштиришларни соддалаштириш, баъзи масалаларни тезроқ ҳал қилинишини таъминлаш мақсадида амалда коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи тўловларни, воситачиликни тўлиқ тақиқланишини назарда тутувчи, порахўрлик ва коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш сиёсатини олиб боришни тан

олишлари ва тасдиқлашлари, коррупцияга қарши курашиш бўйича амалдаги норматив-хукуқий хужжатлар асосида ўз сиёсатини олиб боришлари.

4.2. Тарафларнинг, уларнинг ходимлари ҳар қандай шахсга (шу жумладан жисмоний шахслар, тижорат ташкилотлари ва давлат ҳизматчилари) коррупцион тўловларни (нақд пул ёки қимматбаҳа совғалар) таклиф ва тақдим этмасликларига ёки уларга розилик бермасликларига кафолат беришлари, шунингдек, ҳар қандай шахсдан тўғридан-тўғри ёки билвосита ҳар қандай коррупцион тўловлар (пул ёки қимматбаҳо совғалар) олиш, қабул қилишни маъқулламасликлари.

4.3. Агарда тарафлардан бирига нисбатан унинг номидан ёки унинг фойдасига коррупция ҳолатлари аниқланган тақдирда, бошқа тараф шартномавий муносабатларни тўхтатиши.

4.4. Тарафлар мазкур шартномани бир томонлама қонунчиликда ўрнатилган тартибда бекор қилишга хақлидирлар, бунда бекор қилмоқчи бўлган тараф иккинчи тарафни 1 (бир) ҳафта олдин хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат томонлар келишувига биноан қисқартирилиши мумкин.

4.5. Пудратчи томонидан шартномада белгиланган ишлар тўлиқ ва сифат бажарилмаган ҳолларда, шунингдек кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида Буюртмачига пеня тўлайди, бироқ бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

4.6. Агар кўрсатилган хизматлар ва фойдаланилган материаллар сифати, ассортименти бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарига (этalonларга) қонун ҳужжатларида ёки ушбу шартномада белгиланган шартларига мос келмаса, Буюртмачи ишларни ёки хизматларни қабул қиласлиги ва уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, Пудратчидан сифати бўлмаган ишлар ёки хизматлар қийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, агар ишлар ёки хизматлар ҳаки тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

4.7. Бажарилган ишлар ёки хизматлар ҳақини ўз вактида тўламаганлик учун Буюртмачи Пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасини 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

4.8. Томонлар мазкур шартномага биноан ўз зиммалари олган мажбуриятларни бошқа томоннинг ёзма равища огоҳлантирган ҳолда бажармасликка ҳаққи йўқ. Томонларга боғлиқ бўлмаган форс-мажор ҳолатлар вужудга келиши бундан мустасно. “Бажарувчи”нинг ушбу шартнома билан зиммасига оладиган вазифасини сабабсиз равища бажармаслиги шартномани “Буюртмачи” томонидан бир томонлама бекор қилинишига асос бўлиши мумкин.

4.9. “Буюртмачи” ҳам “Бажарувчи” ҳам ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

## 5. Тўлов ва Ҳисоб қтоблар

5.1. “Буюртмачи” “Пудратчи”га шартномада кўрсатилган умумий ўрнатилиши лозим бўлган ҳисобдонлардан 1500 (бир минг беш юз) донаси учун 15 фоиздан кам бўлмаган микдорида аванс тўловини амалга оширади.

5.2. Ишларни бажариш муддатлари календарь куни билан белгиланади.

5.3. “Буюртмачи” ва “Пудратчи” ўртасида жорий молиялаштириш бажарилган ишлар счет-фактурага асосан аванс тўловини хисобга олган холда амалга оширилади.

5.4. “Буюртмачи” бажарилган ишлар қисми бўйича тўловни “Пудратчи”га 20 банк куни давомида тўлайди.

## 6. Низоларни Ҳал Этиш Тартиби

6.1. Тарафлар ўртасида юзага келадиган барча низолар томонларнинг ўзаро музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Агар низоларни музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса, улар амалдаги қонун талаблари асосида ўрнатилган тартибда Иқтисодий судларда кўрилади.

## 7. Шартнома муддати.

7.1. Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати тугагач, тарафларнинг келишувига мувофиқ ўрнатилган тартибда шартноманинг муддати узайтирилиши ёки янги шартнома тузилиши мумкин.

7.2. Мазкур шартнома тарафларнинг ҳар бири учун бир нусхадан, бир хил юридик кучга эга икки нусхада тузилди. Ушбу шартномага барча қўшимча ва ўзгартеришлар, улар ёзма шаклга эга бўлиб, ҳар икки тарафнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган бўлсагина ҳақиқий ҳисобланади. Амал қилиш муддати “30” “декабр” 2022 йил

## 8. Шартнома тарафларининг манзили ва реквизитлари

Буюртмачи

“Hududgaz Surxondaryo” газ  
таъминоти филиали

Манзил: Термиз ш “Камолот” 10 уй

X/P: 20210000405276475001

Банк: “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

МФО: 01045

ИНН: 207325486

Тел.: (76)221-25-10,

Бажарувчи

“AZIA EKO-STROY” МЧЖ

Манзил: Сирдарё в. Ширин шаҳри,  
Х.Дўстлик кўчаси, 1-даха 11 уй 19-  
хонадон

X/P: 2020 8000 0052 9842 9001

Банк: АТБ “Агробанк”


МФО: 00383

ИНН: 307 673 717

Тел: +99891 500-38-88

«Hududgaz Surxondaryo» газ  
таъминоти филиали директори

М.А.Мансуров.



МИ

“AZIA EKO-STROY” МЧЖ

директори

И.Н.Тошпулатов



МИ